



asr

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chop etila boshlangan

27-iyul 2023-yil 31 (1029)



www.21asr.uz



@XXIasr_yangiliklari



XXIasrgazetasi



xxi_asr@mail.ru



asr_xabarlari_news



БИЗЛАР ИШЛАЯПМИЗ...



Бу оддий, ўзбекона ибора замирида халқимизнинг бой қадриятлари, азалий тушунчалар ва янги асрнинг кейинги ўн йилликларида рўй бераётган тарихий воқеалар, энг асосий мезон – “Инсон қадри учун” тамойилининг ҳаётимизга тобора сингиб бораётгани каби халқчил ислохотлар самараси ётибди.



Шу маънода яқиндагина Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О'zLiDeP фракциясининг ярим йиллик фаолияти сарҳисоб қилинганида қайд этилган айрим рақам ва далилларга эътибор берайлик:

- фракция аъзолари томонидан 2 та қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди;
- бошқа фракциялар аъзолари билан биргаликда 2 та қонун лойиҳасига ҳамташаббускор бўлди;
- 5 марта фракция эшитуви ўтказилди;
- 14 та депутат сўрови юборилди;
- фракция аъзоларининг ташаббуси ва бевосита иштирокида 33 та фракция йиғилиши, 10 та семинар, 21 та давра суҳбати, 7 та конференция ташкил этилди!

Шошилманг: булар ҳали денгиздан айрим томчилар, холос. Аслида халқимиз сайлаган парламент депутатлари ўз вако-

латлари доирасида ишлашяпти. Айниқса, шахсан давлат раҳбари ташаббуси билан ҳар ойнинг аввалида Қонунчилик палатаси вакилларининг ўз сайлов округларида одамлар билан мунтазам равишда ўтказаятган юзма-юз мулоқотлари, учрашувлари қандай натижа бераётгани алоҳида мавзу. Чунки бир замонлар қай тарзда ноиб сайлаганларимиз ҳамон эсимизда-ку ахир. Номигагина сайлов маҳали бир мартагина кўриниб, кейин изсиз кетган қанча ваъдабоз депутатларнинг сайлагандик. У кунлар энди ортда қолди. Бугун, муболаға эмас, одамлар, демак, талабчан сайловчилар шаклланди. Улар энди етти мартамас, етмиш марта ўйлаб-ўйлаб овоз беришяпти. Демак, сайланаётган ноиб ҳам ана шу мезонлар, савия ва даражаларга мос ишлаши шарт. Яна фракция аъзолари фаолиятига қайтамиз:

- фуқаролар билан 835 марта-ба тўғридан-тўғри учрашув ўтказил-

ди (уларда 30 166 нафар аҳоли қамраб олинди);

- 1 295 та хонадонга ташриф буюрилди;
- 1 810 та тадбиркорлик субъекти билан ўзаро мулоқот ўтказилди;
- келиб тушган 1 218 та мурожаатдан 581 таси жойида ҳал этилди, 637 таси кўриб чиқиш учун тегишлилиги бўйича ташкилотларга юборилди;
- “Бир депутат – юз аёлга кўмакчи”, “Ишбилармон аёл”, “Соғлом оила – мустақкам оила”, “Ёшлар билан”, “Намунали томорқачи”, “O'zLiDeP пресс клуби”, “Янги авлод кадрлари” каби ўнлаб лойиҳалар амалга оширилди.

Ва ҳоказо... 2023 йил якунланишига эса кўп вақт қолмади. Ҳали олдинда янада масъулиятли ва машаққатли довлар турибди. Халқимиз сиздан янада шиддатлироқ, залворли, шарафли вазифаларни удралашингизни кутаётир. Омад ёр бўлсин!

БУГУНГИ СОНДА:

ТОМОРҚАДАН
ТИЛЛА
ТОПАЁТГАНЛАР

2с.

ИШБИЛАРМОН
АЁЛЛАР
САРАЛАНЯПТИ

3с.

ИНВЕСТИЦИЯ
ЛОЙИҲАЛАРИ –
ТАРАҚҚИЁТ
МЕЗОНИ

4с.

ҒАЛАБАНИНГ
ЎЗИ КЕЛМАЙДИ,
ДЎСТИМ!

5с.

“ЛУҚМОН
БЎРИХОН
ҚАНДАЙ
ОДАМ ЭДИ?”

6с.

O'zLiDeP ФРАКЦИЯСИДА

ЕР УЧАСТКАЛАРИ ИЖАРАЧИЛАРИ
ВА МУЛҚДОРЛАРИ

ХУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда депутатлар мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётига дахлдор бўлган муҳим қонун лойиҳаларини муҳокама қилди.

Дастлаб “Ер тўғрисидаги қонунчилик такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда қўриб чиқилди.

Барно МИРЗАМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
депутати, O'zLiDeP фракцияси аъзоси:



Кейинги йилларда мамлакатимизда ер муносабатлари соҳасида жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ишончли тарзда ҳимоя қилиш бўйича изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Ер участкаларини ижара муносабатларининг ўзига хос хусусиятларини аниқ белгилаш, бундан ташқари ўзганинг кўчмас мулкдан чекланган тарзда фойдаланиш (сервитут) ҳуқуқини амалга ошириш тартибини янада такомиллаштириш, жамоат эҳтиёжлари учун оммавий сервитут белгиланишини ҳуқуқий тартибга солиш зарурати юзага келмоқда.

Ушбу қонун лойиҳаси билан Фуқаролик ва Ер кодекслари сервитут шартномаси, сервитут иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, сервитутни ўзгартириш, бе-

кор қилиш, сервитут учун ҳақ тўлаш, оммавий сервитутни белгилашга оид қоидалар билан тўлдирилмоқда.

Равшан МАМУТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
депутати, O'zLiDeP фракцияси аъзоси:

Ижарачилари ва мулкдорлари ҳуқуқлари ишончли ҳимоя қилинишига хизмат қилишини эътиборга олиб, фракция-дошларимиз билан биргаликда уни маъқулладик.

Йиғилишда қўриб чиқилган навбатдаги масала – “Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотлари доирасида республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари белгиланиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси бўлди.

Муҳокамалар давомида таъкидланганидек, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларининг биринчи босқичи амалга оширилишини таъминлаш, шунингдек, профессионал бошқарув принцип-ларига асосланган ва натижага йўналтирилган республика ижро этувчи ҳокимият органларининг яхлит тизимини шакллантиришга хизмат қилади.

Йиғилишда фракция ваколатига кирувчи бошқа масалалар ҳам муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,
“XXI asr” мухбири

ИНСОН ВА ТАБИАТ



Орол денгизи 50 йил аввал дунёнинг қуруқликдаги энг йирик тўртинчи денгизи эди. Афсуски, унинг қуриши ва оқибатлари ҳозирда сайёрамизнинг энг дахшатли экологик фожиаларидан бирига айланди. Эрол, Оролбўйи муаммоси нафақат Ўзбекистон ёки Марказий Осиё минтақаси, балки дунёнинг глобал экологик муаммосига айланди.

Бир замонлар Орол денгизи қишда ва ёзда мамлакатимизга келадиган ҳаво оқимини ҳам муътадиллаштириб, терморегулятор вазифасини бажаргани сир эмас. Маълумотларга кўра, унинг қутилмаган фалокати натижасида Марказий Осиёда иқлим ўзгариши дунё кўрсаткичларидан икки баробар жадалроқ кечмоқда. Бу музликлар эриши, чанг бўронлари даврийлиги, ернинг деградацияга учраши, сув ресурсларининг тақчиллиги қабиларда намоён бўлмоқда.

Янги таҳрирдаги Конституциямизнинг 49-моддасида “Давлат Оролбўйи минтақасининг экологик тизимини муҳофаза қилиш ҳамда тиклаш, минтақани ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш юзасидан чоралар кўради” деган ҳуқуқий норманинг белгиланиши ҳам бежиз эмас. Эндликда Оролбўйи минтақасининг экологик тизимини муҳофаза қилиш ва тиклаш масаласи биринчи марта давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди.

Денгизнинг қуриб қолган қисмида экотизимни яхшилаш, тадқиқот ва инновацияларнинг илғор тажрибаларини жорий этиш мақсадида Президент ҳузуридаги Оролбўйи халқаро инновация маркази ва БМТнинг Оролбўйи минтақаси учун Инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик траст жамғармаси ташкил этилди. БМТнинг “Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш тўғрисида”ги махсус резолюцияси қабул қилинди. Юксак халқаро минбарлардан муаммага жаҳон эътибори қаратиляпти. Жумладан, Оролбўйи минтақасини ривожлантириш, экологик шароитни яхшилаш мақсадида 2021-2022 йилларда жами 15,9 млн АҚШ долларига тенг 3 та лойиҳани амалга ошириш учун грант маблағлари жалб этилди.

Сўнгги уч йилда денгизнинг қуриган тубидаги 1,8 млн гектар майдонда қум кўчкларининг олдини олиш, экологик мувозанатни таъминлаш мақсадида ҳудуд тупроқ-иқлим шароитига мос бўлган қурғоқчиликка ва сувсизликка чидамли бўлган саксовул, кандим, черкез каби дарахт ва бутта кўчати, ҳудудда чорвачиликни ривожлантириш учун қорабароқ ва силе кўп йиллик ўсимлик уруғлари экилди. Минтақанинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини тиклаш бўйича беш йиллик миллий дастур ишлаб чиқилди. Нукус, Хива, Урганч ва Бухоро шаҳарлари атрофида қум ҳаракатларининг олдини олиш, қум бўронлари салбий таъсирини бартараф этиш мақсадида 2021-2022 йилларда 40 километр масофада “Яшил белбоғ” ташкил этилди. Денгизнинг қуриган тубида ўрмон барпо этиш орқалигина келажақда қутилаётган янада аянчлироқ

экологик фожиаларнинг олдини олиш мумкин.

Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида 6 та ер ости сув конлари мавжуд бўлиб, улар – Қуйи Амударё, Қорақалпоқ, Устюрт, Бузайбай, Тўртқўл ва Жанубий Оролбўйи артезиан ер ости сувлари конларидир. Бугунги кунда мавжуд бўлган жами 662 та эксплуатацион қудуқ ёрдамида турли мақсадлар учун 46,41 минг м3/сут миқдорда сув олинмоқда.

Кейинги йилларда Амударё ер усти оқимининг камайиши ва ер усти сувлари сифатининг ёмонлашиши кузатилмоқда. Айниқса, кам суви даврда ер ости сувларининг минераллашуви дарёга яқин линза(ер ости сувлари қатлам)ларда ортиб бормоқда. Жаҳон банки ажратган молиявий маблағлар ҳисобидан кредит асосида Нукус шаҳри, Тахиятош ва Хўжайли туманлари марказларида оқова сув тизимини реконструкция қилиш режалаштирилган бўлиб, мазкур чоралар амалга оширилса, ушбу ҳудудлар марказларида оқова сув тизимлари яхшиланиб, атроф-муҳитга келтириладиган зарар имкон қадар бартараф қилиниши мумкин. Эътироф этмоқ жоизки, кейинги йилларда Оролбўйи аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлашга алоҳида эътибор берилаятгани туфайли Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида марказий сув таъминоти қарийб 25 фоизга ошди.

Ҳаёт қонуни шундай: инсон табиатсиз яшай олмайди. Демак, тақдир-аълолимиз халқона ибора билан рамзий маънода айтыладиган она табиатга чамбарчас боғланган экан, уни ҳамиша кўз қорачиқидек асраб-авайлаб, келгуси авлодларимизга ҳам хизмат қилмоғи йўлди қайғуришимиз шарт. Шундай экан, у Оролбўйи ҳудуди бўладими, Амударё ё Сирдарё бўларими, хуллас, сизу биз яшаб турган заминнинг экологик аҳволи учун барчамиз баб-баравар жавобгармиз.



Ўлмас СОБИРОВ,
Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш
ва иқлим ўзгариши вазирлиги
масъул ходими

ЗИРОАТЧИЛИК

Томорқадан тилла топаётганлар

Ёзнинг қоқ чилласи. Ҳароратнинг авжи баланд.

Соя-салқин жойлар ҳар қачонгидан гавжум. Кўпчилик дам олиш манзилларида ҳордиқ чиқармоқда. Лекин қўли қадоқ деҳқон шу жазирада ҳам даласидан нари кетмайди. Айни пайтда уларнинг иши кун иссиғидан-да қизиган. Шу туфайли бозорлар тўкин. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотадиган дўконлар расталари ҳам мева-сабзавот ва полиз, кўкату зираворлар билан тўла. Ҳаммасини ўзимизнинг деҳқонлар етиштиряпти.

Мутахассисларнинг айтишича, бугунги кунда битта экин майдонидан йилга уч-тўрт мартагача ҳосил олаётган уста зироатчилар сафи сезиларли равишда кенгаймоқда. Бу борадаги тажрибаларни ёйишда Ўзбекистон Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг ҳиссаси катта бўлаётир. Айниқса, шахсий томорқа ерлардан унумли фойдаланишда амалга оширилаётган ишлар таҳсинга лойиқ.

Биргина Самарқанд вилоятида 633 мингдан ортиқ хонадонда 69 400 гектар шахсий томорқа майдонлари бўлиб, уларда асосан мевали дарахтлар ва узумчилик билан биргаликда картошка, помидор, бодринг, бўлғор қалампир, кўкатлар етиштирилмоқда.

Ёз чилласи авжига чиққан шу кезларда меҳнаткашлар ҳолидан хабар олиш мақсадида мазкур кенгаш вакиллари Пахтачи ва Тойлоқ туманларида бўлишди. Қатор маҳаллаларда томорқачилар билан бевосита учрашиб, уларни қийнаётган муаммоларни атрофлича ўрганишди. Кези келганда таъкидлаш керакки, шахсий томорқадан самарали фойдаланишда давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган

тегишли қарорлари аҳолига катта имкониятлар яратишда қўл келмоқда.

– Ҳудудлардаги амалий ишларни кузатиш, аҳоли билан юзма-юз мулоқот қилишдан асосий мақсад ердан унумли фойдаланиш кўрсаткичларини янада оширишдир, – дейди Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши бўлим бошлиғи Меҳриддин Мухаммадиев. – Тажрибали деҳқонлар ер билан қандай тиллашишни яхши билади. Лекин беш қўл баравар эмас. Хайҳотдек ҳовлисиди тўртта кўчат экилмаган оилалар ҳам кам эмас. Шунинг учун кенгашимиз томонидан яратилаётган шарт-шароит, имтиёзлар ҳақида томорқачиларни ўз вақтида хабардор қилишга жиддий эътибор қаратяпмиз. Айтайлик, ҳозирда ҳар бир манзилда махсус дала дўконлари ташкил этилиб, уларда экинларда учрайдиган касалликларга, ҳашаротларга қарши курашишда фойдаланиладиган воситалар мавжуд. Шунингдек, мутахассисларнинг бепул маслаҳати йўлга қўйилган. Биргина Самарқанд вилоятида 118 та дала дўконлари хизмат кўрсатаётган бўлса, йил охиригача уларнинг сонини 148 тага етказиш режалаштирилган.

Илгари аксарият деҳқонлар шахсий томорқасида йилга бир марта экин экар, ундан сўнг чорваси учун маккажўхори етиштирадди. Қолган пайтда ер бўш ётарди. Эндиликда одамлар ўз ҳовлисиди ҳам иш билан банд, ҳам маффаати ошяпти. Бунинг учун ҳудудларда доимий равишда семинарлар ташкил этилиб, уларда қишлоқ хўжалиги соҳаси билимдонлари, олимлар ва катта тажрибага эга деҳқонлар аҳолини соҳа сирларидан воқиф этишмоқда. Сафаримиз давомида гувоҳи бўляпмизки, айрим ишбилармон томорқачиларнинг йиллик даромади ўртача 150-200 млн сўмгача етаяпти. Албатта, бу қувонарли ҳолатдир.

Масалан, тупроғи унумдор бўлган Тойлоқ туманида бундай серғайрат шахсий томорқа ер эгалари жуда кўп. Бу туманда жами 4200

гектар шахсий томорқа ерлари бўлиб, шундан 2 200 гектарига тўқсонбости экинлари экиляпти. Биргина иссиқхоналарга тўхталадиган бўлсак, 2019 йилда уларнинг сони 300 дан ортиқни ташкил этган бўлса, ҳозирга келиб 12 мингдан ошди. Эътиборли жиҳатларидан яна бири, айрим маҳаллалар бир турдаги экинни етиштиришга мослаштириляпти. Бундан мақсад келажақда экспорт билан шугулланаётган



тадбиркорлар билан ҳамкорлик йўлга қўйиб, бир турдаги маҳсулотни битта маҳалладан йиғиб олиш жараёнини осонлаштиришдир.

– Қишлоқ хўжалигида кўчатчилики ўн

саккиз йилдан бери қаттиқ ушлаганман, – дейди Таллиота маҳалласида яшовчи, намунали томорқачи Саидамир Акмалов. – Қарийб 50 йиллик тажрибамдан келиб чиқиб айтишим мумкин, ерга экин қадаб, яхши ҳосил олишни истаган киши биринчи ўринда кўчатни тўғри танлаши ва ерга яхши ишлов бериши керак. Ушандагина фойдаси ошади. Айни кунларда қарам кўчатлари сотувини деярли

ни етиштиришни бошлаймиз. Бу кўчатлар янги йил олдида бозорларга сархил сабзавот бўлиб қириб боради. Оиламизнинг 5 нафар аъзоси шу иш билан машғул. Айни иш кўпайган вақтларда яна 5 нафар маҳалладошимизни кўмакка ёллаймиз. Дарвоқе, кенгаш маслаҳати ва кўмаги билан ихчамгина мотокультиватор олдим. Ҳовлимиздаги экин майдони 10 сотихни ташкил этиб, авваллари 1,5 сотихига белқурақлар ёрдамида ишлов бериш учун анча вақтим кетарди. Ҳозирда 10 дақиқада битказяпман.

Сухбатимиз давомида масъуллар бир воқеани эслаб қолишди. Узокроқ вилоятдан келиб кўчат олган мижоз яна икки кун ўтказиб, барглари деярли қуриб қолган экиннинг униб кетишига ишониб-ишонмай ерга қадаган. Лекин тез орада экинлар баравж ўса бошлаган. Бу кўчатчи деҳқоннинг маҳоратидан далолатдир.

– Бизда 8 сотих экин майдони бор, – дейди шу маҳалладан яна бир тажрибали деҳқон Бурҳон Ҳафизов. – Эрта баҳордан бозорга редиска, сабзи олиб чиқамиз. Сиёб бозорида бу маҳсулотлар тез сотилади. Кетма-кет помидор, ширин маккажўхорилад етилади. Айни пайтда бир томонга қадалган кўчатлар ўсяпти. Қиш бошланганда меваси етилади ва сархил бўлғор қалампирларни эл дастурхонига тортиқ қиламиз. Шу кунларда маккажўхоридан бўшаган майдонларга ишлов бериб, картошка экишга тайёраляпмиз.

Мутахассисларнинг айтишича, биргина Тойлоқ туманида яна бир янгиликка қўл урилибди, яъни қўлундайчилик билан шугулланаётган шахсий томорқа майдон эгалари йилда икки марта ҳосил олаётган экан. Шунингдек, малиначилик ҳам ривожланыпти. Буларнинг бари юртимиздаги тинчлик, осийишталик шарофатидандир.

Муҳаббат РАВШАНОВА,
“XXI asr” мухбири

ИШБИЛАРМОН АЁЛЛАР САРАЛАНЯПТИ

O'zLiDeP томонидан ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган “Ишбилармон аёл” кўрик-танловининг жорий йилгисига ҳам старт берилди. Айни дамда жойларда танловнинг туман ва шаҳар bosқичлари бўлиб ўтмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий жараёнлар туб мазмун-моҳиятини кенг тарғибот-ташвиқот қилиш, кичик бизнес ва хусусий сектор ривожланишида самарали иштирок этаётган шижоатли, ташаббускор хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг Ватанимиз келажаги йўлидаги интилиш, изланишларидаги фаол иштирокини рағбатлантириш ҳамда шу орқали бугуннинг замонавий тадбиркор аёл қиёфасини яратиш танловнинг асосий мақсадидир.

✓ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

O'zLiDeP Беруний туман кенгаши ҳам танловни юқори ҳамжиҳатликда ташкил этди. Унда тумандаги тадбиркор, фермер ва хунарманд хотин-қизлар ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотлари билан иштирок этишди.

– Хотин-қизларни тадбиркорликка йўналтириш орқали бандлигини таъминлаш, жамият ва давлат бошқарувидаги иштирокини кенгайтириш борасида партияимиз томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар ўз самарасини бермоқда, – дейди O'zLiDeP Беруний тумани кенгаши аппарат раҳбари Раҳима Юлдашева. – “Ишбилармон аёл” кўрик-танлови ҳам иқтисодийетимизни юксалтиришда янги-янги лойиҳаларни амалиётга татбиқ этиб, аҳоли фаровонлигини оширишга муносиб ҳисса қўшаётган шижоатли, ташаббускор хотин-қизларни кашф этиш орқали замонавий ишбилармон аёллар учун ўзига хос синов майдони бўлмоқда.



Ҳакамлар ҳайъати аъзолари танлов мобайнида тумандаги тадбиркор ва хунарманд хотин-қизларнинг фаолияти билан яқиндан танишдилар. Уларнинг шу даврга қадар эришган ютуқлари, имкониятлари, келгуси режалари билан ҳам ўртоқлашилди. Беруний туманидаги “Қангшартол” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган “Озод Яшнар” боғдорчилик деҳқон фермер хўжалиги раҳбари Турсуной Базарбаева анчадан буён боғдорчилик ва фермерлик билан шуғулланиб келмоқда. Хўжалик кўптармоқли, турли хил мевали дарахтлар ва полиз, сабзавот экинларида ташқари, асаларичилик, балиқчилик, чорвачилик бўйича ҳам фаолиятини юритади. Боғдорчилик фермер хўжалиги 2016 йилда ташкил топган, 12,8 гектар экин майдонининг 10 гектари боғ. Меваларнинг 100 дан ортиқ хили, сабзавот ва полиз экинларининг 20 дан ортиқ нави етиштирилади. 10 йилдан бери етиштирилган маҳсулотлар Россияга экспорт қилинади. Фермер кам таъминланган, эҳтиёжманд оилаларга қўлидан келганча ўз ёрдамини бериб келмоқда. Фойдадан кўпгина техникалар сотиб олди. Айтганча, бу ерда табиий чувалчанглар ёрдамида биогомус ҳам етиштирилади. Турсуной опанинг режа ва мақсади бисёр.

Танлов якунида “Озод Яшнар” фермер хўжалиги раҳбари Турсуной Базарбаева 1-ўрин, “Илбесбек Эъзоза” тикувчилик ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари Нодира Қутлимуратова 2-ўрин, “Миллий либослар” тикувчилик корхонаси раҳбари Нигора Қўзибаева 3-ўрини эгаллади ва танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси bosқичида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлди. Ғолибларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Танловнинг туман bosқичлари Тўртқўл, Қонлиқўл, Мўйноқ, Қўнғирот ва Нукус туманларида ҳам ўтказилди.

O'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши матбуот хизмати

✓ ТОШКЕНТ ШАҲРИ

O'zLiDeP Яққасарой туман кенгаши томонидан “Ишбилармон аёл-2023” кўрик-танловининг туман bosқичи ўтказилди. Унда тумандаги энг фаол тадбиркор аёллар, юртимиз иқтисодиёти, кичик бизнес ва хусусий сектор ривожланишида иштирок этаётган шижоатли, ташаббускор хотин-қизлар, хунармандлар қатнашди. Улар намоийш этган маҳсулотлар ҳакамлар ҳайъати томонидан ҳолисона баҳоланди ҳамда юқори ўрин ва турли номинация ғолиблари аниқланди.

Якуний натижаларга кўра, 3-ўринга “Бибинур” ўқув маркази ва корхонаси раҳбари Бибинур Мухаммадиева ҳамда зардўзлик санъатини ёшлар ва аёлларга ўргатиб, минглаб шогирдлар етиштираётган Феруза Сағатова лойиқ деб топилди. 2-ўринни юздан ортиқ аёллар бандлигини таъминлаган, миллий зеб-зийнатлар ясаб, бугунги кунда маҳсулотлари чет давлатларига экспорт қилинаётган Муштарийбону Комилова эгаллади. Фахрли 1-ўринга эса минглаб аёлларни ишли қилиб, уларнинг бўш вақтини унумли ўтишига ўз ҳиссасини қўшиб келаётган Камола Ҳайитбоева муносиб кўрилиб, танловнинг кейинги bosқичига йўлланма олди.

Бундан ташқари, “Замонавий ташаббускор аёл” номинацияси ғолиблиги “Ёдгора плюс” оилавий корхонаси раҳбари Ёдгор Расуловага, “Йилнинг мурув-

ватли ишбилармон аёли” номинацияси Мадинабону Зокировага насиб этди.

– Тадбиркорлик фаолиятини бошлаганимга 12 йилдан ошди, – дейди 1-ўрин соҳибаси Камола Ҳайитбоева. – Ҳозирда юмшоқ ўйинчоқлар, тўқилган кийимлар, пайпоқ, ҳар хил эсдалик совғалари ва миллий тақинчоқлар тайёрлаб, ички бозорларга чиқаряпмиз. Яқиндан бошлаб Қирғизистон ва Ҳиндистонга ҳам жўнатишни йўлга қўйдик. Шу вақтгача мингдан ортиқ шогирд тайёрлаб, кўплаб аёлларни иш билан таъминладик. Улар эгаллаган хунарлари ортидан ўз уйларида ўтириб ҳам маҳсулот тайёрлаб, даромад топтоқда. Келгусида қўшни вилоятларда ҳам ўқув марказларимизни очиб ниятидамыз. Бундай танловлар кўпроқ ташкил этилиши керак. Бу, албатта, тадбиркор аёлларнинг сафини кўпайтириши билан бирга, бизга янада ҳаракат қилишимиз учун иштиёқ беради.

Гавҳар ЭШОНҚУЛОВА,
ЎзЖОКУ талабаси

✓ БУХОРО

“Ишбилармон аёл – 2023” кўрик-танловининг Бухоро шаҳар bosқичи бўлиб ўтди. Унда тадбиркор аёллар ўз маҳсулотлари кўргазмасини ҳавола этишди.

“Замонавий ташаббускор аёл”, “Энг ёш, фаол аёл тадбиркор”, “Инвестицияларни жалб қилишда ташаббус кўрсатган ишбилармон аёл”, “Қишлоқни ижтимоий ривожлантиришда фаоллик кўрсатган фермер аёл” “Йилнинг мурувватли ишбилармон аёли” номинациялари бўйича ўз билим, маҳорат ва тажрибаларини синовдан ўтказдилар.

– Бу йилги кўрик-танлов ҳар қачонгидан кўра қизғин ўтди, – дейди O'zLiDeP Бухоро шаҳар кенгаши раисининг аёллар масалалари бўйича ўринбосари, тадбиркор Мамлакат Содиқова. – Тадбиркорликнинг турли йўналишларида фаолият олиб бораётган хотин-қизлар ўзлари танлаган соҳаларида аниқ натижаларга эришиш учун астойдил ҳаракат қилаётганликлари ва бу борада муайян ютуқларга эришаётганликлари тадбир давомида кўзга яққол ташланди. Бу борада соҳа эгалари учун юртимизда яратилган қўлайликлар қўл келмоқда. Бухоролик аксар хотин-қизлар туғма тадбиркор, зардўзлик, патдўзлик, қандолатчилик ва бошқа бир қатор касб-хунарларнинг ҳадисини олган.



Ҳакамлар ҳайъати эътиборини “Наргиза design” МЧЖ раҳбари Наргиза Аллакова ва унинг 10 дан зиёд шогирди томонидан тайёрланган замонавий пардалар, бир-биридан чиройли дастурхон, чойшаб ва ёстиқ жилдлар ўзига тортиди. Улар сифатли, бежирим ва пишқи-пукта ишлаб чиқарилган эдики, ҳар қандай нозиктаъб харидорни ўзига тортиши аниқ.

Моҳир тадбиркор шу кунгача қирқдан зиёд шогирд тайёрлаган. Бир вақтлар Ҳавзи Нав, Ситорай Моҳи Хоса маҳаллаларида “темир дафтар” ва “аёллар дафтари”да рўйхатда бўлган Феруза Ўроқова, Розия Ражабова, Нилуфар Комилова, Парвина Равшановадек тикувчи хотин-қизлар ундан маҳорат сирларини ўрганиб, эндиликда мустақил равишда иш олиб боришяпти.

– Йил охиригача яна 25 нафар аёлни доимий иш билан таъминламоқчиман, – дейди Наргиза Аллакова. – Келгусида эса Бухоро муҳандислик-технология институтида дизайнерлик йўналиши бўйича илм олиш ниятим бор.

Ҳавзи нав маҳалласилик моҳир тикувчи Олия Шукурова ва унинг бир-биридан ишчан келинлари – тақинчоқ ва миллий безакларни қайта тиклаш билан машғур бўлган Зулайхо, атир совунлардан турфа гуллар яратувчи Саломатхон, чевар Маржонахоннинг маҳсулотлари ҳам кўпчиликнинг назарига тушди.

Ҳакамлар ҳайъати барча ишларни кўздан кечиргач, “Наргиза design” МЧЖ раҳбари Наргиза Аллаковага фахрли биринчи ўринни беришга қарор қилишди. Иккинчи ўрин – “Нодира ателье” корхонаси директори Нодира Юсуповага, учинчи ўрин эса яқка тартибдаги Наргиза Исмаиловага насиб этди.

O'zLiDeP Бухоро вилоят кенгаши матбуот хизмати

✓ ХОРАЗМ

Боғот туманида ўтган кўрик-танлов партия туман кенгаши аппарат раҳбари, депутатлар ҳамда хотин-қизлар фаоллигида ташкил этилди.

Таъкидлаш жоизки, лойиҳа низомига мувофиқ, иштирокчиларнинг ишлари баҳоланаётганда уларнинг хотин-қизлар учун қўшимча иш ўрни яратгани, “Аёллар дафтари” дагиларни касбга ўқитиб, бандлигини таъминлаган ва ҳаётда ўз

етказишга астойдил ҳаракат қиламиз. Юртимизда “20 минг тадбиркор – 500 минг малакали мутахассис” дастури доирасида соҳа вакилларига алоҳида имтиёзлар берилаётгани барчамизни янада руҳлантирмоқда. O'zLiDeP ҳудудий кенгашлари депутатлари, маҳалла фаоллари, аппарат раҳбарлари билан бирга дастурнинг ҳаётга татбиқ этилиши жараёни таҳлил этилмоқда. Тадбиркорлар билан очик, самимий мулоқотлар ўтказилиш давомида ишбилармонлар билан манфаатли ҳамкорлик қилиш, янги иш ўринлари яратиш, ишсиз фуқаролар бандлигини таъминлаш орқали камбағалликни қисқартириш бўйича вазифалар белгилаб олинмоқда.

ўрнини топиб кетишида қўмаклашгани, маҳсулотлари экспортга йўналтирилгани ёки импорт ўрнини босиши, хизмат сифати ҳамда фаолиятидаги янги инновацион ғоялари алоҳида эътиборга олинади.



Ана шундай мезонлардан келиб чиқиб, танлов якунига кўра, “Шаҳноза, Динора, Хилола” МЧЖ миллий хунармандчилик йўналиши бўйича Шаҳноза Аллаберганова 3-ўрин, пазандалик йўналиши бўйича Сарвиноз Раҳимова 2-ўрин, тикувчилик йўналиши бўйича яқка тадбиркор Эътибор Сотимова 1-ўринни қўлга киритиб, танловнинг вилоят bosқичига йўлланма олишди.

Шунингдек, оилавий тадбиркорлик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик фаолиятида салмоқли ютуқларга эришиб, аҳоли бандлигига қўмаклашишда фаоллик кўрсатиб келаётган бир гуруҳ фаол тадбиркорлар ҳам турли номинациялар бўйича тақдирланди. Уларга партиянинг диплом ва эсдалик совғалари тақдим этилди.

O'zLiDeP Хоразм вилоят кенгаши матбуот хизмати

✓ СУРХОНДАРЁ

O'zLiDeP Бандихон тумани кенгаши томонидан ўтказилган танлов тумандаги Маданият уйида “Ҳар бир кун – бу имконият, ҳар бир кун – бу келажақ пойдевори” шiori остида ўтди. Тадбирда тадбиркор аёлларнинг ишлаб чиқариш фаолияти, улар яратган маҳсулотларга баҳо берилди.

Ҳакамлар иштирокчиларнинг ишларини кузатар экан, 35 турдаги нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, ҳудуддаги кўплаб аёлларни хунарли, ишли қилган тадбиркор Холида Норқулованинг фаолиятига айниқса юқори баҳо беришди.



– Икки йил олдин мен ҳам “Аёллар дафтари”да рўйхатда турардим. 30 миллион сўм кредит олиб, оилавий корхона очиб, фаолият бошлагандим, – дейди Холида Норқулова. – Буни қарангки, бугун уйда бўш ўтирган аёлларга хунар ўргатиб, иш билан таъминлаяпман. Шу билан бирга, эл дастурхонига кўрк бўлагидан нон маҳсулотлари ишлаб чиқариб, яхшигина даромад оляпман. Бугунги танловда ғолиб бўлдим. Бундан жуда мамнунман. Менга билдирилган ишонч сабаб бундан кейин ҳам ғайратимни сундирмасдан, иш фаолиятини янада кенгайтиришни дилимга тугдим.

Танловда Холида опа каби тиниб-тинчимеган фаол ишбилармонларнинг ишлари эътироф этилиб, эсдалик совғалари билан тақдирланди.

O'zLiDeP Сурхондарё вилоят кенгаши матбуот хизмати

МУНОСАБАТ

ИМТИЁЗ ИМКОНияТ ЭШИГИНИ ОЧАДИ

Президент Шавкат Мирзиёевнинг лавозимига киришиш тантанали маросимидаги нутқи халқимиз, Ватанимиз ҳаётидаги энг ёрқин тарихий воқеалардан бири бўлди, десак муболага бўлмайди. Ушбу тарихий тадбирда мамлакатимизнинг тараққиёт стратегияси, юртимизнинг эртанги кунги истиқболи айнан нималарга боғлиқлиги чуқур таҳлил қилинди, халқимиз, давлатимиз фаровонлигини ошириш йўлида олдимизда турган долзарб масалаларга доир мулоҳазалар баён қилинди.

Эътиборлиси, партияимизнинг асосий электорати бўлмиш ишбилармон, фермер, мулкдорлар учун яқин истиқболда бир қатор имтиёз ва енгиллик бериш сиёсати изчил давом эттирилиши айтиб ўтилгандир. Солиқ тизимини соддалаштириш ва барча тадбиркорлар

учун тенг имкониятлар яратиш, келгуси йилларда бизнес учун қўшилган қиймат, фойда, айланмадан олинадиган ва мол-мулк солиғи бўйича ставкалар оширилмаслиги қатъий қафолатланади.

Президентимиз ўз маърузасида янги Ўзбекистоннинг тараққиёти-

ВИДЕОСЕЛЕКТОРДАН КЕЙИНГИ ЎЙЛАР

ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИХАЛАРИ — ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНИ

Иқтисодиёт ва инвестиция. Уларнинг бирисиз иккинчисини тасаввур этиш мушкул. Иқтисодий тармоқлари тараққиёти салмоқли сармояга таяниб оёққа туради. Инвестиция эса иқтисодий асослари мустаҳкам соҳага киритилади. Яъни, сармоядор истиқболли деб билган, кутилган натижани олишига ишонган бизнесгагина пул тикади.

Кейинги беш-олти йилда янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган мега лойиҳаларда ҳам инвесторларнинг муносиб ҳиссаси бор. Фойда келтириши кўриниб турган лойиҳалар ташаббускори кўпайгани сайин уни молиялаштиришга интилади ҳамкорлар сони ҳам ошиб бораётир. Энди ушбу жараён янада тезлашиши, сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилиши табиий.

Шу йилнинг 11 июль куни давлатимиз раҳбари раислигида ўтказилган навбатдаги видеоселектор йиғилиши ҳам айнан инвестиция дастурларининг ижросини вақтида тазминлаш билан боғлиқ самарадорлик кўрсаткичларини яхшилашга қаратилди. 1,5 мингта лойиҳа доирасида 12,1 млрд долларлик хорижий инвестицияларни ўзлаштириш бўйича янги тизим жорий этиш юзасидан сўз юритилгани бежиз эмас. Президентимиз топшириғига мувофиқ, лойиҳаларни муддатидан олдин фойдаланишга топшириш мақсадида ҳар бирга ишга “лойиҳабай” тартибиде муносабатда бўлиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Инвестиция шаклидаги маблағ муайян лойиҳа ёки тармоқнинг тубдан ривожланишига туртки беради. Аммо бунинг учун сармоядорни аввало жалб қилиш, кейин уни режалар муваффақиятига инонтира билиш улкан салоҳият талаб этади. Бунда таҳлилларни нафақат соҳалар, балки ҳудудлар кесимида пишиқ-пухта тайёрлаш муҳим аҳамиятга эга.

Сўнгги вақтларда сармояни драйвер соҳаларга йўналтириш хусусида кўп гап бўлаётир. Бу табиий, албатта. Бироқ эндиликда маълум бир ҳудудни ҳам шу таърифга мослаш вақти келди. Масалан, бизнинг Ромитан тумани Бухоро вилоятининг драйвер ҳудудига айлантириш мумкин. Бунинг учун машаққатли меҳнат муваффақият мезони эканини англаш ва шу тамойилга таяниб ҳаракат қилиш маррани икки қарра яқинлаштиради.

Дарҳақиқат, ҳозирги даврда юз минглаб юқори даромадли иш ўринларини ташкил этиш, дунё бозориде рақобат қила оладиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун янги-янги технологиялар, замонавий ишлаб чиқариш қувватлари, малакали мутахассисларни тайёрлаш

фақат ва фақат инвестициялар ҳисобидан амалга оширилиши қайта-қайта таъкидланмоқда.

Бир қатор пешқадам шахар ва туманларда бўлганидек, Ромитанда ҳам ўтган 6 ойда 50 млн доллардан кўп тўғридан-тўғри инвестиция олиб келингани видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбари томонидан қайд қилиб ўтилгани, шубҳасиз, ушбу йўналишдаги ишларни бундан кейин ҳам талаб даражасида олиб боришга, пировардида, юксак ишончни оқлашга даъват этади.

Тегишли вазирликлар томонидан жорий йил якунига қадар ҳудудлар ҳамда тармоқлар кесимида 30 млрд долларлик янги инвестиция лойиҳаларининг ишлаб чиқилиши, бунинг учун эса барча шахар ва туманлардаги лойиҳа гуруҳлари консалтинг компаниялари билан бирга “изланиш – ишлаб чиқиш – амалга ошириш” тамойили асосида янги лойиҳаларнинг шакллантирилиши, ушбу мақсадларга 15 млн доллар йўналтирилиши ҳам белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлашда кўмак бериши ўз-ўзидан аён. Хорижий ҳамкорлар келишувлари доирасидаги ишлар бўйича янги тизимнинг жорий этилиши ҳам инвестиция дастурларидаги лойиҳалар ижросини белгиланган муддатларда бажариш имконини беради.

Ҳар бир янги инвесторга ҳамроҳлик қилиш учун “инвестиция менежери” лавозимини ташкил этиш режалаштирилгани эса айни муддаодир. Ҳудудлардаги 1200 та лойиҳа доирасида 4,6 млрд доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ўзлаштирилиши, бунда лойиҳалар 3 та тоифага ажратилган ҳолда улар билан манзилли ишлашга киришилиши ҳам истиқболли вазифалар ижросига жиддий ёндашилишдан далолат беради.

Туманимизда хорижий инвестициялар ҳажми ўтган 2022 йилда 21,0 млн доллардан ошди. Бутун мамлакатимизда бўлганидек, Ромитанда ҳам тадбиркорлар синфи шаклланиб, ислохотлар драйверига айланди. Натижада 2022 йилда туманда саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 1405,6 млрд сўмни ташкил этиб, 2017 йилга нисбатан 2,7 баробарга ошди. Аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2016 йилда 4,1 млн сўмни ташкил этган бўлса, 2022 йил якуни бўйича 9,4 млн сўмга етди.

Яқин орада эса туманда 10 га яқин йирик лойиҳа ижросини таъминлаш режалаштирилган. Хусусан, “WBM ROMITEX” МЧЖ томонидан умумий қиймати 97,3 млн долларлик жинси газлама мато ҳамда тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш лойиҳаси ишга туширилиб, 1800 тага яқин янги иш ўрни яратилади. Шунингдек, умумий қиймати 15,0 млн долларлик лойиҳа доирасида “BCT CLUSTER AGROKOMPLEKS” МЧЖ

томонидан сув тежовчи техникалар жорий қилинади.

“Ғиждувон-ЭИЗ”нинг Ромитан филиалида умумий қиймати 1,4 трлн сўмлик 300 дан ортиқ янги саноат лойиҳалари ишга туширилиб, 3000 та янги иш ўрни очилади. Туманимизда 2024–2030 йилларда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2,1 мартага ўсиб, 3,8 трлн сўмга етказилиши режалаштирилмоқда. Шунингдек, камида 300 та иш ўрни яратадиган 2 та янги саноат зонаси ташкил этиш ҳам кўзда тутилган. Натижада экспорт ҳажми 2030 йилга қадар 3 баробар оширилиб, 72,6 млн доллардан ошиши кутилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, вақт билан ҳисоблашмай, эл-юртимиз бахт-саодати йўлида яратувчилик меҳнати билан банд бўлиш, давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, одамларнинг ғам-ташвишлари билан яшаш – одамийликнинг энг олий нуқтасидир.

Президентимизнинг юқорида тилга олинган видеоселектор йиғилишидаги нутқини тинглаб, унда илгари сурилган инвестиция масаласига оид долзарб вазифалар билан танишар эканман, туманимиз мисолидаги бўлажак ўзгаришлар ҳам бирма-бир кўз ўнгимдан ўтди. Устувор вазифаларни ўз вақтида бажариш эса ўз қўлимизда. Модомики, ана шу собитқадам йўлда изчил фаолият олиб бораверамиз.



Умеджон БАРНОЕВ,
Ромитан тумани ҳокими



ФАХРИЙЛАР КЕНГАШИ ФАОЛИЯТИ

**Тўрабек НАЗАРОВ,
O'zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши ҳузуридаги
фахрийлар кенгаши раиси, Халқ депутатлари
Олмазор туман кенгаши депутати**

ОЛТИН ЭМАС, ДУО ОЛАЁТГАНЛАР

**Юртимизда азал-азалдан
кексаларни қадрлаш, ҳур-
матини жойига қўйиш
қадрият саналган. Бу анъана
бугунги кунда ҳам давом
этмоқда.**

O'zLiDeP фахрийлар кенгаши ҳам ана шундай эзгу мақсадларни рўёбга чиқариш ниятида ташкил қилинган эди. Ушбу тузилма партиянинг мафкуравий ва сиёсий фаолиятини мустаҳкамлаш, фахрийларининг ижтимоий фаоллигини кучайтириш, тақлифлар тайёрлаш, сиёсий, маданий тадбирларни ўтказиш каби кўплаб ишларда доим кўмақдош бўлиб келмоқда.

Биргина O'zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши ҳузуридаги Фахрийлар кенгаши фаолиятини сарҳисоб қиладиган бўлсак, салмоқли ишлар олиб борилаётгани кўринади. Хусусан, ўтган 6 ой давомида ёши улуг инсонлар учун турли тадбирлар, спорт мусобақалари, санъат ва адабиёт вакиллари билан ижодий кечалар ташкил этилди.

Пойтахтимизда ўтказилган 32 та ана шундай тадбирларда икки мингдан ортиқ иштирокчи маданий ҳордиқ чиқарди.

Партиямиз фаоллари кўмағида 247 нафар нуруний отахон ва она-хонларимизни Тошкент вилояти, Бухоро, Самарқанд, Хива, Кўқон ҳамда Фарғона шаҳарларига зиёратга олиб бордик.

Кенгаш аъзолари ўз билим ва тажрибаларини ёшларга ҳам ўргатиб келишмоқда. Улар халқ ноиблари билан ҳамкорликда ёлғиз қариялар, ногиронлар, кам таъминланган ва ижтимоий ғимояга муҳтожлар ҳолдан хабар олишда бош-қош. Айниқса, муаммоли масалаларга ечим излаш, бепул тиббий куриқлар ташкил этишда беминнат кўмак беришмоқда. Тўрт марта ташкил этилган ана шундай кўриқларда ижтимоий ғимояга муҳтож, ногиронлиги бор оилалар вакилларида 334 нафарининг саломатлиги бепул текширилди.

Албатта, бундай саъовли ишларимиз келгусида ҳам давом этаверади.

ТИББИЁТ



**Сарвар ЖЎРАЕВ,
Яккабоғ тумани тиббиёт
бирлашмаси раҳбари**

лохотларни янада чуқурлаштириш, халқимиз учун муносиб ва қулай шароитларни яратишга доир амалга оширилаётган кенг кўламли ишларнинг мантиқий давоми, “Инсон соғлиғи – энг бебаҳо бойлик” деган эзгу ғояни ҳаётга изчил татбиқ этиш борасидаги навбатдаги муҳим қадам бўлди.

Ташхис қўйиш ва даволашнинг замонавий усулларини кенг қўллаган ҳолда сифатли тиббий хизматлар кўрсатиш учун моддий-техник базани мустаҳкамлаш мақсадида чет эллик сармоядорлар ва малакали мутахассисларни жалб қилиш борасида атрофлича изланяпмиз. Ана шу ҳайрли интилишлар самараси ўлароқ, тез орада хорижий инвестор маблағи эвазига Хитойдан МСК-Т аппаратурини Яккабоғга олиб келганимиздан сўнг, мукамал тиббий текширувлар туманимизнинг ўзиде амалга ошириладиган бўлди. Қарши ёки Тошкентга қатнашга ҳоҳат қолмади. Бундан ташқари, жойлардаги тиббиёт муассасаларига янги бино ва иншоотлар қуриш ҳамда мавжудларини реконструкция қилиш бўйича бир нечта лойиҳаларни режалаштиряпмиз.

Туман аҳолисини сифатли тиббий хизмат билан қамраб олиш, чекка қишлоқлардаги одамлар ҳам туб ўзгаришларни ўз ҳаётида сезиши учун бирламчи тиббий-санитария ёрдами тизимининг моддий-техник базасини яхшилаш ҳамда малакали кадрлар билан таъминлаш устувор аҳамият касб этмоқда. Маҳаллий аҳоли вакиллари шифо истаб, катта-катта маблағ сарфлаб, вилоят маркази, Тошкент шаҳри ёки хорижий давлатларга боришга мажбур бўлмаслигига эришиш учун тўғридан-тўғри “Онлайн консултация”лар ташкил этилмоқда. УТТ мутахассислари кечаю кундуз фаолият олиб боришяпти. Реанимация ва туғруқ бўлимларига замонавий ИВЛ, Кардиомонитор, ЭКГ, КУВЕЗ ускуналари ўрнатилди. Қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникалар ишини замон талаблари даражасига кўтариш учун кадрлар малакасини муттасили ошириб борапмиз.

Биргина мисол. Нов қишлоғи туман марказидан

85 километр узоқликда жойлашган. Бу Яккабоғ билан Қарши шаҳри ўртасидаги масофага тенг. “Электрон поликлиника” орқали бу ердаги тиббиёт муассасасида туманимиз малакали шифокорлари аниқ ташхис қўйишиб, даволаш ишлари амалга ошириляпти. Маҳалларда профилактика ишлари ва тиббий куриқларни сифатли ташкил этиб, касалликлар аниқлангач, уларни имкон қадар тиббиёт бирлашмамиз муассасаларида даволашга ҳаракат қиляпмиз. Мураккаб жарроҳлик операция қилиниши керак бўлган оғир беморларни вилоят ва республика муассасаларига йўналтирамиз. Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, мудҳиш ҳолатга сабаб бўлаётган омиллари чуқур таҳлил қилиб, уларни тезкор бартараф этишга қаратилган аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Юқумли касалликларнинг олдини олиш ва даволаш ишларини яхшилаш борасида хали кўп ҳаракат қилишимиз керак.

Туман аҳолиси ўртасида соғлом турмуш тарзи ва тўғри овқатланиш маданиятини тарғиб қилиш орқали касалликлар профилактикасини кучайтириш мақсадида кенг кўламли тушултириш ишлари олиб бориляпти. Камҳарақатлилиқ ва нотўғри овқатланиш оқибатида ортиқча вазна эга, қон таркибиде меъёридан ортиқ холестерин мавжуд, қон босими юқори бўлган фуқаролар ҳисобга олиниб, мунтазам тиббий муолажалар қилинаётгани боис уларнинг сони камайишга эришиляпти.

Президентимиз ташаббуси билан замон талаблари ва хориж тажрибасидан келиб чиқиб, синов тариқасида мамлакатимизнинг 14 та ҳудудиде биттадан тиббиёт бирлашмасини аҳоли жон бошига ҳамда стационар шароитда даволанганлар сонига қараб молиялаштириш борасидаги тажриба ҳам тиббиёт соҳасини ўрта ва узоқ муддатли истиқболда ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Бизда ҳам барча ривожланган давлатларда бўлгани каби мажбурий тиббий суғурта тизими жорий этиш орқали бюджет харажатларини камайитириш, тиббий хизмат сифатини ошириш борасидаги амалий ишлар ижобий самара беришига ишонаман.

Тиббиётда хусусий секторни ривожлантириш учун яратилган шароитлар ўзини оқлаяпти. Туманимизда ҳам қатор замонавий нодавлат шифо масканлари фаолият юритаётгани, соҳада соғлом рақобат муҳитини ҳосил қилмоқда. Бизда шундай хусусий клиникалар борки, уларда кўпгина қўшни туман ва вилоятлардан келган беморлар даволанишади. Ташхис бўлимлири, замонавий лабораториялар ўзига хос тиббиёт кластери бўлиб, уларга берилган имтиёз ва имкониятлар янги марраларга замин бўлиш шубҳасиз.

Давлат-хусусий шериклик тизимини янада ривожлантириш учун уларга тўлиқ молиявий мустақиллик бериш, тиббий таълим тизимини ислоҳ қилиш, нуфузли хорижий таълим муассасалари филиалларини очиш, олий ўқув юртлари, илмий-тадқиқот институтлари ва иختиссолашган тиббиёт марказлари ўртасида интеграцияни кучайтириш зарур деб ўйляйман.

Президентлик сайлови арафасида партиямиздан номзод Шавкат Мирзиёев қашқадарёликлар билан учрашувида алоҳида эътироф этганидек, вилоятимиз бўйича бешта муҳим стратегик мақсаддан тиббиётни ривожлантириш борасида ҳам бир қатор янгиликлар ўрин олганлиги бизни беҳад қувонтирди. Келгусида Косон, Нишон, Қамаш, Китоё ва Яккабоғда туманлароо эндокринолоия ҳамда кардиология бўлимлари фаолияти йўлга қўйилиши режалаштирилаётгани барчамизни беҳад қувонтирди. Тиббиёт соҳасида 37 та поликлиника, 95 та оилавий шифокорлик пункти ташкил этилиб, даволаш ўринлари 12 мингтага етказилиши айтиб ўтилди. Қарши шаҳридаги тарқоқ 5 та шифохона негизиде “Она ва бола” кластери ташкил этилади. Нишон, Чироқчи, Косон, Қарши ва Шахрисабз шаҳарларида 550 даволаш ўрнига эга бўлган замонавий туғруқ комплекслари баро этилади. Келгуси йилларда 800 нафар эхтиёжманд аёл ва уларнинг волга етмаган фарзандларини даволаш харажатлари давлат томонидан қоплаб берилади.

Муҳтасар айтганда, бешта стратегик мақсад одамларни ҳаётдан рози қилиш йўлидаги ислохотлар бардавомилигини таъминлайди. Кейинги йилларда юз берган ҳаётбахш ўзгаришлар, янгиланишларга гувоҳ бўлаётган юртдошларимиз Президент сайловида тўғри танловни амалга оширганликларини яна бир қарра чуқур ҳис этдилар.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида сўзлаган нутқиде барчамизни янада қатъият ва шижоат билан ишлашга ундаб, ҳар биримиздан аввалгидан икки-уч қарра кўпроқ ғайрат ва шижоат билан меҳнат қилиш талаб этилишини алоҳида таъкидлагани бежиз эмас.

Ишонаманки, келгуси йиллар Янги Ўзбекистонимиз учун сиёсий, иқтисодий-ижтимоий, маданий-гуманитар соҳаларда улкан ўзгаришлар даври бўлади. Янгиланган Конституциямиз, Президентимиз сайловолди дастурида белгиланган устувор мақсад ва вазифалар мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш ва ижросини таъминлашда бирлашмамиз ҳодимлари ҳам қамарбаста бўлиб, Ватанимизнинг янада гуллаб-яшнаши, халқимиз саломатлигини мустаҳкамлаш борасидаги эзгу ишларга муносиб ҳисса қўшади.

МАВЗУГА ҚАЙТИБ...

Газетамизнинг 2022 йил 21 июль сонида Хоразм вилояти Хива шаҳри Гулистон маҳалласида яшовчи фуқаро Раҳимберган Раҳимовнинг “Қабр сотиб олмай... азобли уқубат сотиб олдим” сарлавҳали мурожаатини чоп этгандик.

Р. Раҳимов ўз мурожаатида укаси бевақт вафот этганида уни ота-боболари хоки этган қабристондаги қадамжоларига дафн қилмоқчи бўлгани, шунда масжид имом-хатиби К. Исмоилов рухсат бермагани, имом-хатиб олдиндан ўзи тикланган қабрни қиммат баҳода сотмоқчи бўлгани, аммо уни сотиб олишга имкони йўқлиги учун ўз маблағига қабр қургани, орадан сал ўтмай ушбу қабрни бузиш ҳақида огоҳлантириш хати олгани, К. Исмоилов иккита “меҳнат дафтарчаси” билан икки ўринда ноқонуний ишлаб келгани ва қабристон ҳудудида тураржой, молхона қургани бўйича ҳуқуқ органларига неча марта қилган мурожаатлари эътиборсиз қолдирилаётгани ҳақида афсус билан сўз юритганди.

Орадан мана бир йил ўтди. Жабрдийда Р. Раҳимов ҳамон адолат истаб ҳуқуқ органлари эшикларига, турли “сайёр қабул”ларда овораи сарсон бўлиб юрибди (эслатиб ўтамиз: газетанинг ўша сонини Хива шаҳар ҳокимлигига юбориб, “...бу масала маҳалла фуқаролар йиғинида муҳокама қилинади”, деган мазмунда расмий жавоб олганди). Ростдан ҳам муҳокама қилиндими-йўқми у ёғи номаълумлигича қолди). Бу орада мурожаатчи неча бора тахририятга кўнғироқ



қилди, биздан мадад кутди.

“Яқинда Бош прокуратура ўтказган сайёр қабулда бўлдим. Прокуратура масъули менинг арзимни эшитди ва ижобий ҳал қилишга ваъда берди. Ишим юришади энди”, деб қувонганди Р. Раҳимов икки ойлар олдин кўнғироқ қилганида. Аммо...

Бу сафар ҳам унинг номига аввалида Хоразм вилояти прокурори ўринбосари Т. Нурматов имзоси билан 2023 йил 6 июль сонаси қўйилган “мурожаатга жавоб”

хати келиб, унда “...мурожаатингизда келтирилган янги ҳолатлар бўйича қўшимча терговга қадар текширув ҳаракатлари ўтказиш зарурияти туғилганлиги сабабли, мазкур қарор (жиноят иши қўзғатишни рад қилиш бўйича муқаддам чиқарилган қарор ҳақида гап кетаяпти) вилоят прокуратураси томонидан 2023 йил 4 майда бекор қилиниб, тўпланган ҳужжатлар қўшимча текширув ўтказиш учун вилоят ИИБга юборилди. Ҳозирда мазкур ҳолатлар юзасидан вилоят ИИБ ҳузуридаги тергов бошқармаси

томонидан қўшимча терговга қадар текширув ҳаракатлари олиб борилмоқда” деган сўзлар келтирилади.

2023 йил 17 июнь санасида Р. Раҳимов номига Хоразм вилоят ИИБ бошқарма бошлиғи А. Пўлатов имзолаган жавоб хатида эса “...шунингдек, мурожаатингизда кўрсатилган К. Исмоиловнинг бир вақтнинг ўзида икки ташкилотда ишлаганлиги ҳолати бўйича ўтказилган қўшимча терговга қадар текширув натижасига кўра, охириги маротаба 10.06.2023 йилда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 83-моддаси 2-бандига асосан жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган”, дейилган.

“Мен бу мазмундаги – бир қолипдаги расмий жавобларни олавериб чарчадим. Сўнгги аризаларимда бир вақтнинг ўзида ҳам масжид имоми, ҳам ободонлаштириш бошқармаси ходими сифатида ишлаган К. Исмоиловдан нега ноқонуний ёзилган иш ҳақи қайтарилмагани билан қизиқдим. Ваҳоланки, Ўзбекистон Мусулмонлар идораси расман: “Хива шаҳридаги “Қосмаобод” масжиди имом-хатиби вазифасида ишлаган К. Исмоиловнинг масжидда ишламаган вақти учун олган иш ҳақи ҳисоблаб чиқилди ва бунга кўра 2012 йил 1 июндан 2021 йил 14 январгача бўлган давр оралиғида меҳнат қонунчилигига зид равишда жами 18 миллион 755 миллион сўм олгани аниқланиб, ҳозирда ушбу ортқиқа ҳисобланган иш ҳақини “Қосмаобод” масжиди ҳисобқамасига қайтариш чоралари кўриломоқда”, дея берган расмий жавоб хати қўлимда турибди. Унинг нусхасини прокуратурага тақдим қилганман. Айнан шу ҳолатни, яъни ноқонуний олинган иш ҳақини жойига қўйиш масаласига ҳуқуқ

органлари эътибор беришмаяпти. Мусулмонлар идораси эса бу маблағни ундириш (масжид ҳисобқамасига қайтариш) учун фақат илтимос қилиш ваколатига эга, холос. К. Исмоилов 2012–2021 йиллар давомида Хива туман, кейинчалик Хива шаҳар ободонлаштириш бошқармасида бир вақтнинг ўзида ишлаб 59 миллион сўмдан зиёд маош олган. Бу ахир бюджет маблағи-ку! Икки меҳнат дафтарчасига эга бўлиб, ҳам диний идора, ҳам давлат маблағини ноқонуний олган шахсга наҳотки чора кўрилмаса?”

К. Исмоилов тураржойи қабристон ичида жойлашган бўлса-да, шаҳар ҳокими унга ноқонуний тарзда тураржойга эгалик ҳуқуқи белгилангани, бу борада Хоразм вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси томонидан 2021 йил 5 январда вилоят прокуратурасининг топириғига биноан Хива шаҳри ҳокими номига “...ҳокимнинг 3 та қарорини амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқлаштириш ва белгиланган тартибда бекор қилиш бўйича” юборган тақдимномаси ҳалиям бажарилмаганига нима дейсиз?

Мурожаатчи Р. Раҳимов К. Исмоилов устидан “иш” очирилиши эмас, ноқонуний олган иш ҳақи нега ҳамон қайтарилмагани, “тақдимнома” эса изсиз кетганидан норози!

Ҳайрон қолсан киши, наҳотки ҳуқуқий-демократик давлатда шундай ҳолатлар рўй берса? Прокуратура ўз топириғи бажарилган-бажарилмагани билан қизиқмаса?

Икки йилки адолат излаб бормаган эшиги қолмаган фуқаро Р. Раҳимовгина эмас, ҳуқуқдан озроқ хабари бор бошқалар ҳам ҳайрон...

Рўзимбой ҲАСАН,
“XXI asr” мухбири


МУЛОҲАЗА

ҒАЛАБАНИНГ ЎЗИ КЕЛМАЙДИ, ДЎСТИМ!

Ўтаётган ҳафтада ўзбекистонлик ўқувчи ёшларимиздан тўрт нафарининг Швейцарияда кимё фанидан ўтган олимпиадада олтин ва кумуш ҳамда бронза медаллари олиб юксак шоҳсупага кўтарилганини эшитиб бошим осмонга етди. Албатта, бундай юксак ғалабалардан ҳар бир юртдошимиз руҳланади, айниқса, навқирон авлод вакиллари имкони борича ибрат олишга интилади.

Бу каби муваффақиятларни ҳар қанча тарғиб этсак, мактан-сак, шунча кам. Чунки бугун бу каби оламшумул янгиликлар биз ёшлар учун табиий ҳолга айланаётганга ўхшайди, тўғрими? Лекин...

Шоир ёзганидек, ғалабанинг ўзи келмайди. Бу бор гап. Каттами-кичикми, ютуқлар ортида турган инсонлар меҳнатини ҳам ҳар қандай мезон билан ўлчаб бўлмайди. Сабаби, аввало, халқаро миқёсда доврўқ қозониш, медал олиш ҳар кимга на-сиб қилмайдиган омад. Оддий мисол, кейинги йилларда, шахсан Президентимиз ташаббуси ва қўллаб-қувватлови туфайли фан олимпиадалари ғолиблари хорижий давлатлардаги энг нуфузли олий ўқув юртиларида таҳсил олишяпти. Яқиндагина бўлиб ўтган президентлик сайловида ҳам Шавкат Мирзиёев барча



ҳудудларда сайловчилар билан мулоқотлар чоғида келгуси етти йилда ҳам таълимга алоҳида эътибор қаратилиши бежиз таъкидламади. Демак, энди ортга йўл йўқ. Фақат илм олиш учун барчамиз биргаликда ҳаракат қилмоғимиз шарт.

Шу ўринда яна бир мулоҳазамни ёзмасам бўлмайди: бу бевосита хорижда ўтказилаётган халқаро фан олимпиадаларида ғолиб бўлиб келаётган ёшларимизни ОАВда кўпроқ тарғиб қилиш масаласидир. Нега десангиз, айнан Швейцарида 90 га яқин давлатдан 350 нафарга

яқин ёшлар орасида олтин ва кумуш-бронза медалларига сазовор бўлиб, Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилолган тўрт нафар ўқувчимиз эришган муваффақиятлар ҳақида нега радио-телевидение, матбуот ва ижтимоий тармоқларда кам ёритилди? Хўш, ҳар доим шов-шувли хабарларни излаб юргувчи журналист, мухбиру блогерлар, нима, сизларга бу тарихий воқеанинг қизиғи йўқми, айтинг! Ёки баъзан ўзларини таълим-тарбия учун жонкуярмиз, дея доим кўсрак кериб юрадиган “чаққон” блогерларимиз ҳам негадир

сукут сақлаб ўтиришди?!

Ажабланарлиси, агар спортчилар бўлсайди, қайсидир спорт туридан бирор халқаро мусобақада ғолиб чиқиб, олтинми, кумуш ё бронза медалига сазовор бўлса борми, улар ҳақида оғзимиздан бол томиб гапирилиши билардик-ку! Ахир фан олимпиадасида олтин медалли бўлиш ҳазилакам воқелик эмас! Уларни умид билан кузатиб турган ота-онаси, устозларининг ҳаяжонларини тасаввур қилиш керак.

Гулираъно ЮНУСОВА

РЕКЛАМА



АЛПЛАР АЛБАТТА ЭПЛАЙДИ-ДА

Шундай касблар борки, ҳар қандай вазиятда ҳам вазифани ортга сурмаслиқни, тўхтамаслиқни, сидқидилдан ёндашувни, бир сўз билан айтганда, фидойилиқни талаб этади. Қурувчилик ана шундай касблардан бири. Улар қишнинг қора совуқларида ҳам, мана, ёзнинг аномал иссиғида ҳам ўз ишини бажармоқда.



қойил қолмай илож йўқ.

Яна бир жонли мисол: Қумқўрғон туманига қарашли Азларсой маҳалласидаги 86-мактаб ўқувчилари авваллари икки сменада таҳсил олишарди. Энди бу ерда қўшимча икки қаватли, 180 ўринли ўқув биноси қурилмоқда. Ушбу инвестиция дастури амалга оширишга “Таллашқон инвест” масъулияти чекланган жамияти қурувчилари масъул. Айни дамда бинода пардозлаш ишлари олиб боришмоқда.

Юнусали ОЧИЛДИЕВ
“XXI asr” мухбири

Хизматлар лицензияланган.

ЭЪЛОН

“AVTOMATLASHTIRILGAN TRANSPORT TO‘LOV TIZIMI OPERATORI”

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ

2023 йил 25 июлда бўлиб ўтган №10 умумий йиғилишда жамиятнинг устав жамғармасини 52 535 494 064,44 (эллик икки миллиард беш юз ўттиз беш миллион тўрт юз тўқсон тўрт минг олти миш тўрт сўм, 44 тийин) сўмдан 39 069 307 663,26 (ўттиз тўққиз миллиард олти миш тўққиз миллион уч юз етти минг олти юз олти миш уч сўм, 26 тийин) сўмгача камайтириш ҳақида қарор қабул қилинганини маълум

қиламиз. Ушбу қарор юзасидан қонунчиликда белгиланган тегишли асослар ҳақида қўшимча маълумот олишни истаганлар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой мобайнида +998 78 140 08 08 телефони-га кўнғироқ ёки info@atto.uz электрон почтасига ва қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:

Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани,
Мирзо Улуғбек кўчаси, 101-уй.

ХОТИРОТ

"ЛУҚМОН БЎРИХОН ҚАНДАЙ ОДАМ ЭДИ?"

ҳамма бир овоздан чин дўст, яхши инсон, зўр адиб эди дейишди...



Ўзбек адабиёти яна бир бақувват чиноридан айрилди. Ҳали йил тўлмаганди прозамиз устун Собир Ўнарнинг дунёдан ўтганига. Тақдир азали қарангки, бу икки эгизак дўст-қадрдон энди оғзи ошга етиб, эл ичра маълуму машҳур бўлиб танилган ва айни гуллаган 58 ёшида Аллоҳ ҳузурига йўл олиши кимнинг ҳаёлига келганди.

Ҳеч эсдан чиқмайди: Собир Ўнарни сўнги йўлга кузатаётган кун – 2022 йил 18 декабрда Лукмон Бўрихон дунёга сиғмай қолганди. Алам ва ўкинч билан “Энди қандай яшайман мен, кимга суянаман, тоғим кетди-я, тоғим!” дея нола қилганига гувоҳмиз. Бу не қисматки, суюкли адабимиз Лукмон Бўрихон ҳам 25 июль кун айни қирчилла-ма 58 ёшда чин дунёга рихлат қилди. Ортида тўрт фарзанди, икки ўғил, икки қиз, неваралари бўзлаб қолди. Дўсту ёронлари, жигарғўша, қариндош-уруғ, мухлислари энди забардаст ёзувчимизни ёруғ хотиралар орқали эслайди.

Унинг юзлаб ҳикоялари, ўнлаб қиссалари ва “Жазирамадаги одамлар”, “Темирйўл”, “Олов тутган одам”, “Бегоналар юрмас бу йўлдан”, “Сокин дарё”, “Имом Мотуридий” романлари чоп этилган. Адибнинг беқиёс ижоди ва шарафли хизмати давлатимиз томонидан муносиб тақдирланган. “Шуҳрат” медали, “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими” фахрий унвонлари соҳиби эди.

УМРНИ БЕЗАЙДИГАН НУР



Мирзо КЕНЖАБЕК,
шоир, таржимон,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган ёшлар
мураббийи:

Таниқли ёзувчимиз Лукмон Бўрихоннинг “Имом Мотуридий” романини қўлга олган, атоқли адабларимизнинг тарихий асарлари: Ойбекнинг “Навоий”, Одил Ёқубовнинг “Улуғбек ҳазинаси”, Пиримқул Қодировнинг “Юлдузли тунлар”, “Авлодлар довои” туркум романини эсладим...

... Имом Мотуридий ҳазратлари эса – ер юзининг буюк ақида имоми, соғлом эътиқод устози, илми калом арбоби, Қуръон ва суннат донишманди, тафсир соҳиби...

... Китобни варақлаб, адабимиз жуда улкан меҳнат қилганини англадим. Муаллиф асарда давр руҳини қамрашга уринган, ҳазрати Имом Мотуридий ҳақларидаги мавжуд тарихий асарларнинг бир қанчасидан унумли фойдаланган, у зотнинг ҳаққоний сиймосини чиқишга йўл қидирган...

... Хулоса қилиб, дунёнинг тенгсиз Имоми ҳақидаги мавзуга ва ақида таълимотига қўл ургани сабаби билан муаллифга табрик айтаман. Бу нури мавзу муаллиф умрини безайдиган нурга айланишини умид қиламан...

ИЖОДКОРНИНГ КУЛИБ ЮРГАНИГА ИШОНМАНГ



Зулфия МҲМИНОВА,
шоира, Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган маданият ходими:

Прозамизда сизнинг ўз ўрниниз бор эди. Қисқа умрингизда гўзал асарлар яратдингиз. Эсимда, “Имом Мотуридий” романингиз тақдироти кун Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида байрам бўлиб кетган эди.

Асар юқори баҳоланди. Сиз улуғ аллома, авлиё зот ҳақида биринчи, энг йирик асар муаллифи бўлдингиз.

Сиз билан кўп бора суҳбатлашганмиз, мекса донишмандлардек фикр-қарашларингиз мазмунли, армонли, андуҳли эди.

Яхши асарлар қолди сиздан. Гўзал хулқли фарзандлар қолди.

Бизни йиғлатиб кетдингиз Лукмонжон укам! Суратингиздаги ўйчан ва нурга тўла ёруғ кўзларингиз билан оғохлантириб кетдингиз бизларни: ижод аҳлининг кулиб юрганига ишонманг. Улар ҳар бир асарига қувончу изтиробларга тўла юрак парчаларини юлиб беради.

ҚАЛАМГА, СЎЗГА СОДИҚ ҚОЛДИ



Гуландом ТОҒАЕВА,
адабиётшунос:

Минг афсус! Дунё ўзи бир лаҳзалик, неъматлар, насибалар ҳам вақтинча. Аммо шуни ҳам бир-биримизга кўп қўрган лаҳзаларимиз бўлади. Ваҳоланки, икки оғиз илиқ сўз билан бир кўнглини олиб, дунёни обод қилиш мумкин. Ўзидан улкан хотиралар, эзгу ишлар қолдириш мумкин. Устоз адиб Лукмон Бўрихоннинг бевақт ўлими ана шу улкан ҳақиқатларга бир ишорадир.

Мен Лукмон ака билан журналистика факультетидан олдинма-кейин ўқиганман. Жуда ҳамиятли, самимий, кўнгил етар инсон эди. Эсимда, у ўша маҳалларда ҳам талабаликнинг қувноқ, кулгига бой давраларига кўпам ўзини урмас, аксинча тинимсиз ўқиб, ёзар эди. Умрининг охирига қадар қаламга, сўзга содиқ қолган заҳматкаш ижодкор сифатида хотирамизда қолажак.

КЕЛИННИ “ЧОЛИҚУШИ”ДАН ТОПГАНДИ



Мавлуда РАУПОВА,
журналист:

Лукмон ака биздан бир поғона катта курсда ўқирди. Сабоқдошлари асосан қизлар бўлгани учунми, кўпроқ бизнинг йигитлар билан ошно эди. Ҳеч эсимдан чиқмайди: уйланадиган маҳали ҳаммамизни тўйга айтди. Биз эса келиннинг кимлиги билан қизиқдик. “Зайиллардан”, деди сирли равишда кулимсираб. Ўша пайтда туркларнинг “Чолиқуши”

киноси роса машҳур бўлгани учун нима демоқчилигини тушундик. Тоғ қизини кўргимиз келиб, тўйга отландик. Бир машина қизлар билан Лукмон аканинг ота-онаси яшайдиган Ўздор туманидаги Янгиобод қишлоғига қоронғида кириб борганимиз, қаттиқланган кесканаш тортилгани, уни тезда ея солиб, келинни кўришга шошилганимиз ҳамон ёдимда. Оқ рўмолини кўтариб “зайилларлик” қизнинг юзига разм солиб, ҳаммамиз хайратга тушганмиз. Унинг кўзлари мовий, киприклари узун, қошлари қоп-қора эди... “Ҳаааа, сиз содда муғомбир-ей, энг гўзал қизни топиб-сиз-ку!” десак, самимий жилмайиб қўйган

эди бизнинг Лукмон Бўрихон.

Кейин оилавий борди-келдиларимиз бошланди. Жуда аҳил-иноқ бўлиб кетдик. Ўша маҳаллари тирикчилик ташвишлари қанча оғир бўлса-да, Лукмон ака ҳамма нарсадан ортиб тинмай ёзаверди. Йиллар ўтди. Бирин-кетин ўнлаб асарлари халқ орасида машҳур бўлиб кетди. “Жазирамадаги одамлар”ни кўлёмасини ўқиганим эсимда. Адибнинг ёзиш услуби, тили ажойиб эди, сўзлар қуюлиб келарди, исталган асарини бошла-сангиз, тамом, кейин бош кўтармай ўқийсиз охиригача. На илож, бандамиз, Аллоҳнинг ҳукмига кўнаимиз. Дийдор қиёматга қолди!

ЎЗБЕКНИНГ ЧИНГИЗИ КЕТДИ

Алишер НАЗАР,
шоир:

25 июль 2023 йил... Тасаввур қилолма-ямпан.

Бугун ҳаётда топган энг яхши одамимдан айрилдим. Ҳам ака, ҳам дўст, ҳам устоз эди. 1996 йилнинг куз ойларида ўша машҳур “Матбуотчилар-32”нинг коридоридан топгандим бу одамни! Шу кундан бошлаб бирор кун ажралмадик. Лукмон ака жуда беғубор эди. Шу қадар беғубор эдики, ҳазил қилиб устидан кулсам, ўзи ҳам менга қўшилиб кетарди.

Биз бугун ҳам ҳазиллашиб айрилдик. Соат 9.25 минут ўтганда касалхонада эдим. Осма укол олаётган экан. Ёнига ўтирдим.

– Бу нима укол? – дедим.
– Иштахани очаркан, – деди.
– Иштахани очинг, кейинги ойдан бошлаб ҳар кунни Қорасаройга – лағмонга борамиз, – дедим.

Мийиғидан кулиб қаради.
– Тушундим, бундан кейин фақат мендан! – дедим. Чунки ҳар сафар тўлашга келганда тортишиб қолардик.

Биз шу йўсинда табассум билан хайрлашдик. Минг ваҳки, бу табассум эмас, ви-



долашув экан. Шу “табассум”дан кейин бор-йўғи 3 соат яшадилар...

Дўстлар, одамнинг ёши ўтган сари ер устидан кўра, ер остида танишлари кўпайиб бораркан. Бугун яна бир дўст, истеъдодли ёзувчи, ўзбек адабиётининг Чингизи кетди.

Аллоҳим, сафарини қутлуғ қил! Улуғ Муҳаррам ойининг хурматида Фирдавс жаннатларида меҳмон қил! Бу ғурбат дунёда билиб, билмай қилган гуноҳларини кеч! Чунки Сен Ваҳҳобсан, Раббим!

Норқобил ЖАЛИЛ тайёрлади.

О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси, “XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти жамоаси Ўзбекистон халқ шоири, Олий Мажлис Сенати аъзоси, Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиддин Саййидга онаси

Холбиби момо Насриддин қизининг
вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI –
O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI



Бош муҳаррир
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Таҳрир хайъати:
Ақтам ХАЙТОВ
Дилшод ШОУМАРОВ
Шуҳрат БАҒОЕВ
Мавлуда ХУҲАЕВА

Сирожиддин САЙИД
Адҳам ШОДМОНОВ
Виктор ПАК
Насимжон АЛИМОВ

Сардор МУСТАҒОЕВ
(Бош муҳаррир
ўринбосари)

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри
Нукус кўчаси 73А-уй.

электрон почта:
xxi_asr@mail.ru
xxi_asr@mail.ru



Телефонлар:
қабулхона –
71 215-63-80
(тел.факс).
Обуна ва реклама
бўлими –
71 255-68-50.

“XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009-рақами билан
рўхсатдан ўтказилган.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Газета офсет усулида, А-2 форматда
босилди. Ҳажми – 3 босма табақ.
Буюртма рақами: Г – 745

Адади: 10011
Баҳоси келишилган нархда.
Топширилди – 20:30

Таҳририятга келган қўлёмалар тақриз
қилинмайди ва муаллифларга
қайтарилмайди.

© “XXI asr”дан олинган маълумотларга манба
сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуктаи
назаридан фарқ қилиши мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида
терилди ҳамда дизайнер

Маъруфжон Раҳмонов
томонидан саҳифаланди.



НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406
123456

Навбатчи муҳаррир:
Озод РАҲАБОВ